



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 2 » aprel

№ 150

Toshkent sh.

### **Солиқ тўловчиларни ҳисобга қўйиш соҳасидаги айрим давлат хизматларини кўрсатиш бўйича маъмурий регламентларни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6098-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда солиқ тўловчиларни ҳисобга қўйиш соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 апрелдаги ПФ-6218-сон Фармонига мувофиқ норматив-хукуқий хужжатларни қонунчилик тармоқлари бўйича тизимлаштириш, юқори юридик кучга эга бўлган қонунчилик хужжати шаклига ўтказиш орқали айрим идоравий норматив-хукуқий хужжатларни бекор қилиш, тарқоқ хужжатларни тизимлаштириш орқали тартибга солиш юкини камайтириш ва ишбилармонлик мухитини яхшилаш бўйича амалий чора-тадбирлар белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

**Кўчмас мулк ижара ёки текин фойдаланиш шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ;**

**Чет эл юридик шахсларининг доимий муассасаларини ҳамда алоҳида бўлинмаларини давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш (ҳисобдан чиқариш) бўйича давлат хизматини кўрсатиш маъмурий регламенти 2-иловага мувофиқ;**

**Ўзбекистон Республикасида товар-хомашё биржаларида операцияларни амалга оширувчи ва (ёки) ташкиллаштирилган савдоларда жамиятларнинг акцияларини сотиб оладиган (сотадиган) ҳамда жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудуди реализация қилиш жойи деб эътироф этиладиган электрон шаклдаги хизматларни кўрсатувчи чет эл юридик шахсларини давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш (ҳисобдан чиқариш) бўйича давлат хизматини кўрсатиш маъмурий регламенти 3-иловага мувофиқ;**

**Солиқ тўловчиларни солиқ органларида солиқ солиш обьекти бўйича ҳисобга қўйиш юзасидан давлат хизматини кўрсатиш маъмурий регламенти 4-иловага мувофиқ;**

**Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси резидентлари – юридик ва жисмоний шахсларнинг доимий жойлашуви (резидентлик) фактини расмий тасдиқлаб бериш бўйича давлат хизматини кўрсатиш маъмурий регламенти 5-иловага мувофиқ;**

**Солиқ тўловчиларга шахсий ҳисобвараклардан кўчирмаларни ва солиштирма далолатномани тақдим этиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш маъмурий регламенти 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

### **3. Белгилансинки:**

Ўзбекистон Республикасида товар-хомашё биржаларида операцияларни амалга оширувчи ва (ёки) ташкиллаштирилган савдоларда жамиятларнинг акцияларини сотиб оладиган (сотадиган) чет эл юридик шахсларини солиқ органларида ҳисобга қўйиш туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси томонидан, жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудуди реализация қилиш жойи деб эътироф этиладиган электрон шаклдаги хизматларни кўрсатувчи чет эл юридик шахсларини солиқ органларида ҳисобга қўйиш Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайти орқали электрон тарзда амалга оширилади;

солиқ тўловчиларни солиқ органларида солиқ солиш обьекти бўйича ҳисобга қўйиш қўшилган қиймат солигини тўловчилар бўйича – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари томонидан, йирик солиқ тўловчиларга – Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси томонидан, бошқа солиқ тўловчиларга – солиқ солиш обьекти жойлашган туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси томонидан амалга оширилади;

солиқ тўловчиларга шахсий ҳисобвараклардан кўчирмаларни ва солиштирма далолатномани тақдим этиш бўйича давлат хизматлари Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ мажбуриятлари ҳисоби юритилаётган (юритилган) тегишли шахсий ҳисобвараклардаги маълумотлар асосида онлайн тарзда 24/7 режимида давлат хизмати кўрсатилади.

### **4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бир ой муддатда:**

кўчмас мулк ижара ёки текин фойдаланиш шартномаларини электрон шаклда расмийлаштириш ва ҳисобга қўйишнинг маҳсус автоматлаштирилган ахборот тизими ишлаб чиқилишини;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “2” апрелдаги 150-сон қарорига  
1-илова

**Кўчмас мулк ижара ёки текин фойдаланиш шартномаларини  
давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш бўйича  
давлат хизматини кўрсатиши  
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Регламент юридик ва жисмоний шахслар томонидан тузилган кўчмас мулк ижара ёки текин фойдаланиш шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш бўйича давлат хизматини кўрсатиши тартибини белгилайди.

2. Кўчмас мулк ижара ёки текин фойдаланиш шартномалари (кейинги ўринларда – кўчмас мулк шартномалари) қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади ва давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйилади.

3. Кўчмас мулк шартномаси амал қилиш муддати қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатлар доирасида, тарафлар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ белгиланади.

4. Кўчмас мулк шартномаси мазкур Регламентга 1-иловада келтирилган намунавий шаклга мувофиқ ёки қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган шаклда тузилади.

**2-боб. Кўчмас мулк шартномаларини давлат солиқ хизмати  
органларида ҳисобга қўйиш тартиби**

5. Кўчмас мулк шартномалари давлат солиқ хизмати органларида ушбу Регламентга 2-иловада келтирилган схемага мувофиқ ҳисобга қўйилади.

6. Кўчмас мулк иккиласми ижарага (текин фойдаланишга) (агар бу ҳақда шартномада кўрсатилган бўлса) бирламчи ижарага (текин фойдаланишга) олувчи томонидан бошқа шахсларга ижарага (текин фойдаланишга) бериши мумкин. Иккиласми шартномалар ҳам мазкур Регламентда белгиланган тартибда солиқ органида ҳисобга қўйилади.

Бунда ижарага (текин фойдаланишга) берувчи кўчмас мулк шартномаларини солиқ органларида ҳисобга қўйишда, иккиласми ижарага (текин фойдаланишга) беришга рухсат берганлигини давлат солиқ хизмати органларининг маҳсус автоматлаштирилган ахборот тизимлари орқали тасдиқлайди.

7. Ижарага (текин фойдаланишга) берувчи кўчмас мулк шартномасини шартнома тузилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай давлат солиқ хизмати органида ҳисобга қўйиши шарт.

8. Кўчмас мулк шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйишда тўлов ундирилмайди.

9. Юридик шахсларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказишида юридик шахснинг жойлашган ери сифатида яшаш учун мўлжалланмаган жой кўрсатилиши лозим.

Кўп квартирали уйларда юридик шахслар рухсат берилган фаолият турлари бўйича фақат яшаш учун мўлжалланмаган жойларда жойлаштирилади.

Истисно тариқасида, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда яшаш учун мўлжалланган жойларда юридик шахсларни рухсат берилган фаолият турлари бўйича жойлаштиришга рухсат этилади.

### **3-боб. Кўчмас мулк шартномасини ҳисобга қўйиш**

10. Кўчмас мулк шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг маҳсус автоматлаштирилган ахборот тизимида солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали масофадан туриб, фақат электрон шаклда реал вақт режимида амалга оширилади.

Бунда, ижарага (текин фойдаланишга) берувчи томонидан маҳсус автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ушбу Регламентга 3-иловада келтирилган шаклга мувофиқ ижарага берувчи, ижарага олевчи ва ижарага (текин фойдаланишга) берилган мулк тўғрисидаги маълумотлар шакллантирилади.

Солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали ижарага (текин фойдаланишга) берувчи томонидан юборилган кўчмас мулк шартномасини ижарага (текин фойдаланишга) олевчи томонидан 5 кун муддатда тасдиқланмаган тақдирда, ушбу шартнома давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга олинманган ҳисобланади.

11. Шартнома электрон тарзда ҳисобга қўйилганда кўчмас мулк шартномаси ҳисобга қўйилганлиги ҳақида мазкур Регламентга 4-иловада келтирилган шаклга мувофиқ QR-коди мавжуд гувоҳнома шаклланади.

Гувоҳноманинг ҳақиқийлиги QR-кодни маҳсус мобил илова орқали текшириб кўриш йўли билан аниқланади. Гувоҳноманинг QR-коди текширилганда ҳисобга қўйилган кўчмас мулк шартномасининг электрон шаклига XML форматида ҳавола қилинади.

Икки ва ундан ортиқ солиқ солиш обьектларига эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларга ҳар бир кўчмас мулк шартномаси солиқ органида ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида алоҳида гувоҳнома берилади.

12. Жисмоний шахслар ўртасида тузилган кўчмас мулк шартномаси давлат солиқ хизмати органида ҳисобга қўйилганда, ўша вақтнинг ўзида жорий йил учун ҳисобланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини тўлаш ҳақидаги тўлов хабарномаси шаклланади ва солиқ тўловчига тақдим этилади.

#### **4-боб. Кўчмас мулк шартномаси бекор қилинганда уни ҳисобга қўйиш**

13. Кўчмас мулк шартномаси белгиланган тартибда тузилган шартномада кўрсатилган муддат тугаганидан сўнг бекор бўлади.

14. Тарафларнинг келишувига биноан ёки қонунчиликда белгиланган тартибда кўчмас мулк шартномаси муддатидан олдин бекор бўлган ёки ҳақиқий эмас деб топилган ҳолларда кўчмас мулк шартномаси ижарага (текин фойдаланишга) берувчи томонидан маҳсус автоматлаштирилган ахборот тизими орқали реал вақт режимида ҳисобдан чиқарилади.

#### **5-боб. Якунловчи қоидалар**

15. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

16. Ушбу Регламент талабларига риоя этилиши устидан назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан қонунчилик хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Кўчмас мулк ижара ёки текин фойдаланиш шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш маъмурий регламентига 1-илова

НАМУНА

**Кўчмас мулкни ижарага ёки текин фойдаланишга бериш  
ШАРТНОМАСИ**

(тузилган сана)

(тузилган жой номи)

Биз, \_\_\_\_\_ вилояти (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шахри),  
\_\_\_\_\_ тумани (шахар), \_\_\_\_\_ МФЙ, \_\_\_\_\_ кўчаси (мавзеси,  
даҳаси) \_\_\_\_\_ -уй \_\_\_\_\_ -хонадонда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган, \_\_\_\_\_ йилда  
туғилган \_\_\_\_\_ (паспорт (ID) серияси \_\_\_\_\_, рақами \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ йилда \_\_\_\_\_ туман (шахар) ИИБдан  
берилган) (бундан бўён матнда Ижарага берувчи деб юритилади) бир томондан  
ва \_\_\_\_\_ вилояти (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шахри),  
\_\_\_\_\_ тумани (шахар), \_\_\_\_\_ МФЙ, \_\_\_\_\_ кўчаси  
(мавзеси, даҳаси) \_\_\_\_\_ -уй \_\_\_\_\_ -хонадонда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган, \_\_\_\_\_  
йилда туғилган \_\_\_\_\_ (паспорт (ID) серияси \_\_\_\_\_, рақами \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ йилда \_\_\_\_\_ туман (шахар)  
ИИБдан берилган) (бундан бўён матнда Ижарага олувчи деб юритилади) иккинчи томондан ушбу  
шартномани кўидагилар ҳақида туздик:

**I. Шартнома предмети**

1. Мен, Ижарага берувчи мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган \_\_\_\_\_  
вилояти (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шахри), \_\_\_\_\_ тумани (шахар),  
\_\_\_\_\_ МФЙ, \_\_\_\_\_ кўчаси (мавзеси, даҳаси) \_\_\_\_\_ -уй \_\_\_\_\_ -хонадонда  
жойлашган уй-жойни Ижарага олувчига вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ҳақ эвазига  
(текин фойдаланишга) бердим, мен, Ижарага олувчи, ушбу уй-жойни вақтинча эгалик қилиш  
ва фойдаланиш (текин фойдаланиш) учун қабул қилдим.
2. Ижарага берилаётган уй-жой кўидагилардан иборат: умумий фойдаланиш майдони \_\_\_\_\_  
(майдони сўзлар билан)  $m^2$ , яшаш (фойдаланиш) майдони \_\_\_\_\_  
(майдони сўзлар билан)  $m^2$  бўлган (\_\_\_\_ та яшаш хонаси, даҳлиз, ошхона,  
санузел ва ҳоказо)ни ташкил этади.
3. Юқорида кўрсатилган уй-жой Ижарага берувчига Давлат кадастрлари палатаси  
(вилоят, шахар) бошқармаси \_\_\_\_\_ туман (шахар) филиали томонидан  
берилган давлат реестридан кўчирма (№ \_\_\_\_\_ реестр рақами ва санаси)га  
асосан тегишли бўлиб, Кўчмас мулк обьектларига бўлган ҳуқукларнинг Давлат реестрида  
кадастр рақами билан рўйхатга олинган.
4. Ижарага берувчи юқорида кўрсатилган уй-жойни Ижарага олувчига  
(йил, ой, кун) муддатга, яъни \_\_\_\_\_ (йил, ой, кун)гacha топширади.

**II. Ижара ҳақи**

5. Ижарага берилган уй-жойидан фойдаланиш учун ижара ҳақи тарафлар келишувига асосан  
бир ойга (йилга, кунга) \_\_\_\_\_ сўмдан, умумий ижара ҳақи \_\_\_\_\_ сўмни ташкил қиласди.  
Ижарага олувчи ўтган (ёки жорий) ой учун тўловни ҳар ойнинг \_\_\_\_\_ кунига қадар Ижарага  
берувчига тўлаши шарт.
6. Ижарага олувчи берилган уй-жойдан фойдаланиш учун ижара ҳақи тўлов муддатини  
кетма-кет икки мартадан ортиқ бузса, Ижарага берувчи шартномани бир томонлама бекор  
қилишга ва ижарага берилган уй-жойни бўшатиб беришни Ижарага олувчидан талаб қилишга  
ҳақли.

### **III. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари**

7. Мен, Ижарага олувчи, ижарага (текин фойдаланишга) олинган уй-жойни вазифасига мувофиқ равишда фойдаланишни, ўз ҳолатида сақланишини таъминлашни, уни яхши ҳолда тутишни ҳамда санитария ва ёнгиндан сақлаш қоидаларига тўлиқ риоя этишни, ижара ҳақини ўз вақтида тўлаб туришни ўз зиммамга оламан.

8. Мен, Ижарага олувчи (ёки Ижарага берувчи), совук ва иссиқ сувдан, электр энергия ва газдан, телефон алоқаси ҳамда майший чиқиндилардан фойдаланганлик учун, шунингдек уй-жой билан бөглиқ бўлган барча тўловларни ўз вақтида тегишли ташкилотларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тарифлар бўйича ва муддатда тўлашни ўз зиммамга оламан.

9. Мен, Ижарага берувчи, мулк хукуки асосида тегишли мулкни ижарага берганлигим ва бунинг натижасида даромад олаётганим учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибдаги соликлар ва йигимларни ўз вақтида тегишли давлат солик хизмати органига тўлаб боришни ўз зиммамга оламан.

### **IV. Томонларнинг жавобгарлиги ва низоларни ҳал этиши**

10. Ушбу шартнома талабларини лозим даражада бажармаган ёки бажаришдан бош тортган тараф қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибида жавобгар бўлади.

11. Уй-жойни ижарага (текин фойдаланишга) бериш шартномасини бекор қилиш ёки унга ўзгартиришлар киритиш тарафларнинг келишувига асосан амалга оширилади, низо келиб чиқсан тақдирда суд тартибида ҳал қилинади. Шартномани бекор қилиш ҳақида тарафлардан ҳар бири бошқа тарафни бир ой олдин ёзма равищда огоҳлантиради.

Уй-жойни Ижарага олувчи ўзи билан бирга доимий яшайдиган бошқа фуқароларнинг розилиги билан Ижарага берувчини уч ой аввал ёзма равищда огоҳлантириб, исталган вақтда ижара (текин фойдаланиш) шартномасини бекор қилишга ҳақли.

### **V. Якунловчи қоидалар**

12. Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 129, 375, 396 ва 397-моддалари мазмун ва моҳияти биз, тарафларга, тушунарли.

13. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 606-моддаси ва тарафларнинг келишувига асосан ижарага (текин фойдаланишга) берилган уй-жойда Ижарага олувчи билан бирга унинг оила аъзолари (биргаликда яшовчи оила аъзоларининг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган санаси кўрсатилади) яшайди.

14. Мен, Ижарага берувчи, мазкур шартнома имзолангунга қадар ижарага (текин фойдаланишга) берилаётган уй-жой бошқа шахсга ўтказилмаган, гаровга қўйилмаган, низода йўқ ва ижарага берилиши тақиқланмаганлигини кафолатлайман.

15. Мазкур шартнома тарафлар томонидан уч нусхада тузилиб имзоланди, улардан бир нусхаси давлат солик хизмати органида сақланади, қолган нусхалар тарафларга берилди.

#### **Томонларнинг яшаш манзиллари:**

Ижарага берувчи:

Ижарага олувчи:

#### **Томонларнинг имзолари:**

Имзо \_\_\_\_\_

Имзо \_\_\_\_\_

Кўчмас мулк ижара ёки текин фойдаланиш шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш маъмурий регламентига 2-илова

**Кўчмас мулк ижара ёки текин фойдаланиш шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Ижарага ёки текин фойдаланишга берувчи жисмоний ёки юридик шахс	Ижарага ёки текин фойдаланишга берувчи томонидан маҳсус автоматлаштирилган ахборот тизимида шахсий кабинети орқали электрон рақамли имзо асосида киритилади.	Шартнома тузилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай
2-босқич	Автоматлаштирилган ахборот тизим	<ol style="list-style-type: none"><li>Ахборот тизимида кирганда, ижарага берувчи тўғрисидаги барча маълумотлар, ижарага берилаётган кўчмас мулк тўғрисидаги маълумотлар автомат равишда шаклланади.</li><li>Кўчмас мулк обьектининг ижарага берилаётган майдони, ижарапнинг бошланиш ва тугаш саналари, бир ойлик ижара тўлови киритилади ҳамда тасдиқлаш учун ижарага олувчига жўнатилади.</li><li>Жўнатилган маълумотлар ижарага олувчи томонидан тасдиқланади ёки рад этилади.</li><li>Тасдиқлангандан кейин кўчмас мулк ижара шартномаси ҳисобга қўйилганлиги ҳақида QR-кодли гувоҳнома шаклланади.</li></ol>	Реал вақт режимида
3-босқич	Ижарага ёки текин фойдаланишга берувчи жисмоний ёки юридик шахс	Тарафларнинг келишувига биноан ёки қонунчиликда белгиланган тартибда кўчмас мулк шартномаси муддатидан олдин бекор бўлган ёки ҳақиқий эмас деб топилган ҳолларда кўчмас мулк шартномаси ижарага берувчи томонидан маҳсус автоматлаштирилган ахборот тизимида орқали ҳисобдан чиқарилади.	Реал вақт режимида

Кўчмас мулк ижара ёки текин фойдаланиш шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш маъмурий регламентига 3-илова

**Кўчмас мулк ижара ёки текин фойдаланиш шартномасини ҳисобга қўйиш ҳақида  
СЎРОВНОМА**

1. Ижарага ёки текин фойдаланишга берувчи тўғрисида маълумот:

Ф.И.О.	
Юридик шахснинг номи	
Юридик шахснинг идентификация рақами (СТИР)	
Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)	
Жисмоний шахснинг рўйхатга олинган манзили (яшаш жойи)	
Юридик шахснинг юридик манзили (жойлашган жойи)	
Телефон рақами	
Электрон почта манзили	

2. Ижарага ёки текин фойдаланишга оловчи тўғрисида маълумот:

Ф.И.О.	
Юридик шахснинг номи	
Юридик шахснинг идентификация рақами (СТИР)	
Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)	
Жисмоний шахснинг рўйхатга олинган манзили (яшаш жойи)	
Юридик шахснинг юридик манзили (жойлашган жойи)	
Телефон рақами	

3. Ижарага ёки текин фойдаланишга берилган кўчмас мулк тўғрисида маълумот:

Кўчмас мулкнинг тури	
Кўчмас мулк обьектининг кадастр рақами	
Жойлашган ери	
Кўчмас мулк обьектининг умумий майдони	
Кўчмас мулк обьектининг ижарага берилган майдони	
Мулқдан фойдаланиш мақсади	
Ижарага берилган сана	
Ижарага берилган муддат	
Бир (йил, ой, кун)лик ижара ҳақи тўлови (сўмда)	
Ижара ҳақининг умумий суммаси (сўмда)	



Кўчмас мулк ижара ёки текин фойдаланиш шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш маъмурий регламентига 4-илова

НАМУНА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ**

**Кўчмас мулк ижара ёки текин фойдаланиш шартномаси  
хисобга қўйилганлиги тўғрисида**

**ГУВОҲНОМА**

20\_йил “\_\_” \_\_\_\_\_

ID-\_\_\_\_\_

**Ижарага ёки текин фойдаланишга  
берувчи**

СТИР/ЖШШИР:\_\_\_\_\_

Юридик шахснинг номи/

Жисмоний шахс Ф.И.О:\_\_\_\_\_

Юридик манзил/ яшаш жойи:\_\_\_\_\_

**Ижарага ёки текин фойдаланишга  
олувчи**

СТИР/ЖШШИР:\_\_\_\_\_

Юридик шахснинг номи/

Жисмоний шахс Ф.И.О:\_\_\_\_\_

Юридик манзил/ яшаш жойи:\_\_\_\_\_

**Ижарага ёки текин фойдаланишга берилган қўчмас мулк**

Кўчмас мулк обьектининг кадастр рақами:\_\_\_\_\_

Кўчмас мулкнинг тури:\_\_\_\_\_

Кўчмас мулк жойлашган ер:\_\_\_\_\_

Кўчмас мулк обьектининг умумий майдони:\_\_\_\_\_

Кўчмас мулк обьектининг ижарага берилган майдони\_\_\_\_\_

Ижарага берилган муддат\_\_\_\_\_

Ижара мақсади\_\_\_\_\_

Бир ойлик (йиллик, кунлик) ижара ҳақи тўлови суммаси (сўмда)

Ижара ҳақининг умумий суммаси (сўмда)\_\_\_\_\_



Маълумотларнинг ҳақиқийлигини  
текшириш учун QR-кодни сканер килинг!

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “2” апрелдаги 150-сон қарорига  
2-илова

**Чет эл юридик шахсларининг доимий муассасаларини ҳамда  
алоҳида бўлинмаларини давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга  
қўйиш (ҳисобдан чиқариш) бўйича давлат хизматини кўрсатиш  
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Регламент Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига (кейинги ўринларда – Солиқ кодекси) мувофиқ Ўзбекистон Республикасида фаолиятини доимий муассаса ёки алоҳида бўлинма орқали амалга оширадиган чет эл юридик шахсларини солиқ органларида ҳисобга қўйиш (ҳисобдан чиқариш) бўйича давлат хизматини (кейинги ўринларда – давлат хизмати) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Давлат хизмати туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари (кейинги ўринларда – солиқ органи) томонидан кўрсатилади.

3. Ўзбекистон Республикасида фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахслари фаолиятни амалга ошириш жойидаги, алоҳида бўлинма орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахслари алоҳида бўлинма жойлашган худуддаги солиқ органларида солиқ тўловчининг идентификация рақами берилган ҳолда ҳисобга қўйилади.

4. Йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган Ўзбекистон Республикасида фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахслари Йирик солиқ тўловчилар бўйича худудлараро давлат солиқ инспекциясида ҳисобга қўйилади.

5. Давлат хизматини кўрсатиш бепул амалга оширилади.

**2-боб. Фаолиятини доимий муассаса ёки алоҳида бўлинма орқали  
амалга ошираётган чет эл юридик шахсларини ҳисобга қўйиш  
(ҳисобдан чиқариш) бўйича давлат хизматини кўрсатиш тартиби**

6. Фаолиятини доимий муассаса ёки алоҳида бўлинма орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахслари давлат солиқ хизмати органларида ушбу Регламентга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ ҳисобга қўйилади (ҳисобдан чиқарилади).

7. Давлат хизматидан фойдаланиш учун фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахсининг вакили томонидан мазкур фаолиятни амалга ошириш бошланган кундан эътиборан бир юз саксон уч календарь кундан кечитирмай солиқ органига ҳисобга қўйиш тўғрисида ушбу Регламентга 2-иловада келтирилган шаклга мувофиқ шаклдаги ариза тақдим этилади.

Аризага Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 130-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳужжатларнинг давлат тилига таржима қилинган асл нусхалари ёки нотариал тартибда тасдиқланган нусхалари илова қилинади.

8. Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти билан тузилган оддий ширкатнинг (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартноманинг) иштирокчisi бўлган, фаолияти доимий муассаса ташкил этилишига олиб келадиган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйиш учун ўз фаолиятини амалга ошириш бошланган санадан эътиборан ўттиз календарь куни ичида биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартноманинг иштирокчisi бўлган Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти жойлашган (яшайдиган, турган) ҳудуддаги солиқ органига ҳисобга қўйиш тўғрисида ушбу Регламентга 2-иловада келтирилган шаклга мувофиқ аризани Солиқ кодексининг 130-моддаси тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳужжатларнинг нотариал тартибда тасдиқланган кўчирма нусхаларини илова қилган ҳолда тақдим этиши шарт.

9. Фаолиятини аккредитация қилинган филиал ва (ёки) ваколатхонадан бошқа алоҳида бўлинма орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахснинг вакили томонидан у Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини бошлаган кундан эътиборан ўттиз календарь кунидан кечиктирмай солиқ органига ушбу Регламентга 3-иловада келтирилган шаклга мувофиқ ҳисобга қўйиш тўғрисида ариза тақдим этилади.

Аризага қўйидаги ҳужжатларнинг давлат тилига таржима қилинган асл нусхалари ёки нотариал тартибда тасдиқланган нусхалари илова қилинади:

а) таъсис этилган мамлакатда давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат (солиқ тўловчининг хос рақами кўрсатилган ҳолда) нусхаси;

б) чет эл юридик шахси ваколатли органининг Ўзбекистон Республикасида алоҳида бўлинма ташкил этиш тўғрисидаги қарори;

в) вакилнинг чет эл юридик шахси номидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатларни амалга ошириш хуқуқини тасдиқловчи ишончнома ёки бошқа ҳужжат нусхаси (улар мавжуд бўлган тақдирда);

г) вакилнинг фуқаролик паспорти нусхаси.

10. Солиқ органлари томонидан чет эл юридик шахсларини ҳисобга қўйишда ушбу Регламентнинг 6–9-бандларида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

11. Солиқ органлари фаолиятини доимий муассаса ёки алоҳида бўлинма орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахсларини мазкур Регламентнинг 6–9-бандларида кўрсатилган барча зарур хужжатлар илова қилинган ҳолда ҳисобга қўйиш учун ариза берилган кундан эътиборан уч иш куни ичида ҳисобга қўйиши шарт.

12. Ҳисобга қўйиш учун тақдим этилган хужжатлар мазкур Регламентнинг талабларига мувофиқ бўлмаган ҳолларда солиқ органлари томонидан бу ҳақда ариза берувчи хужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан уч иш куни ичида хабардор қилинади.

13. Аризада келтирилган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг автоматлаштирилган тизими орқали Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритилади.

14. Аризада келтирилган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрида ишловдан ўтказилгач, фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахсга солиқ органида ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида ушбу Регламентга 4-иловада келтирилган шаклга мувофиқ маълумотнома, фаолиятини алоҳида бўлинма орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахсига солиқ органида ҳисобга қўйилганлиги ва унга идентификация рақами берилганлиги тўғрисида ушбу Регламентга 5-иловада келтирилган шаклга мувофиқ гувоҳнома тақдим этилади.

15. Фаолиятини доимий муассаса ёки алоҳида бўлинма орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахсларининг ҳисобга қўйиладиган маълумотлари ўзгарганда, чет эл юридик шахснинг вакили томонидан бундай ўзгаришлар юзага келган кундан эътиборан ўн календарь кунидан кечиктирмай, фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахси томонидан солиқ органига аввал тақдим қилинган маълумотлар ўзгарганлиги тўғрисида ушбу Регламентга 6-иловада келтирилган шаклга мувофиқ, фаолиятини алоҳида бўлинма орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахс томонидан солиқ органига аввал тақдим қилинган маълумотлар ўзгарганлиги тўғрисида мазкур Регламентга 7-иловада келтирилган шаклга мувофиқ ариза тақдим этилади.

16. Тақдим этилган маълумотлар асосида солиқ органлари томонидан уч иш куни ичида чет эл юридик шахсининг ҳисобга қўйиладиган маълумотларига тегишли ўзgartiriшлар киритилади.

**З-боб. Фаолиятини доимий муассаса ёки алоҳида бўлинма орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахсларини ҳисобдан чиқариш бўйича давлат хизматини кўрсатиш тартиби**

17. Давлат хизматидан фойдаланиш учун фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахсининг вакили томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини тугаллаган кундан эътиборан ўн беш календарь кунидан кечиктирмай солиқ органига

хисобдан чиқариш тўғрисида ушбу Регламентга 8-иловада келтирилган шаклга мувофиқ ариза тақдим этилади.

Аризага қуйидаги хужжатлар илова қилинади:

а) доимий муассаса ташкил этишга олиб келадиган шартнома бўйича ишлар бажарилганлиги тўғрисидаги далолатнома нусхаси;

б) фаолияти тугаган санада тузилган молиявий ва солик ҳисоботлари.

18. Фаолиятини алоҳида бўлинма орқали амалга оширадиган чет эл юридик шахснинг вакили томонидан Ўзбекистон Республикаси худудида ўз фаолиятини тугаллаган кундан эътиборан ўн беш календарь кунидан кечиктирмай солик органига ҳисобдан чиқариш тўғрисида ушбу Регламентга 9-иловада келтирилган шаклга мувофиқ ариза тақдим этилади.

Аризага қуйидаги хужжатлар илова қилинади:

а) чет эл юридик шахси ваколатли органининг алоҳида бўлинмани тугатиш тўғрисидаги қарори нусхаси ёки ишлар бажарилганлиги тўғрисидаги далолатнома нусхаси;

б) фаолияти тугаган санада тузилган молиявий ва солик ҳисоботлари.

19. Солик органлари томонидан чет эл юридик шахсларини ҳисобдан чиқариш қуйидаги шартлар бажарилганда амалга оширилади:

Солик кодексида белгиланган солиқлар ва йифимларни тўлаш мажбурияти тўлиқ бажарилган ва солик қарзи мавжуд бўлмаганда;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Давлат солик қўмитасига электрон шаклда юборилган ахборот асосида фаолиятини доимий муассаса ёки алоҳида бўлинма орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахсларнинг банк ҳисобварақлари ёпилганлиги тасдиқланганда (банк ҳисобварақлари мавжуд бўлган тақдирда).

20. Чет эл юридик шахсларини ҳисобдан чиқариш мазкур Регламентнинг 19-бандидаги шартлар бажарилгандан сўнг бир иш куни ичида амалга оширилади.

21. Солик органлари томонидан фаолиятини доимий муассаса ёки алоҳида бўлинма орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахслари ҳисобдан чиқарилгандан сўнг мазкур Регламентга 10-иловада келтирилган шаклга мувофиқ маълумотнома тақдим этилади.

#### **4-боб. Якунловчи қоида**

22. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Чет эл юридик шахсларининг доимий  
муассасаларини ҳамда алоҳида  
бўлинмаларини давлат солиқ хизмати  
органларида ҳисобга қўйиш (ҳисобдан  
чиқариш) бўйича давлат хизматини кўрсатиш  
маъмурий регламентига  
1-илова

**Чет эл юридик шахсларининг доимий муассасаларини ҳамда алоҳида бўлинмаларини  
солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш (ҳисобдан чиқариш)**  
**СХЕМАСИ**

**Босқичлар**

**Субъектлар**

**Чора-тадбирлар**

**Муддатлар**

**I. Ҳисобга қўйиш бўйича**

1-босқич	<p>Фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахсларини ҳисобга қўяди.</p> <p>2. Аризада келтирилган маълумотларни Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритади.</p>	<p>Фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахсига – солиқ органида ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида маълумотнома, фаолиятини алоҳида бўлинма орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахсига – солиқ органида ҳисобга қўйилганлиги ва унга идентификация рақами берилганлиги тўғрисида гувоҳнома тақдим этади.</p>	<p>Ариза тақим қилинган кундан эътиборан уч иш куни ичida</p> <p>Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрида ишловдан ўтказилгандан сўнг</p>
2-босқич	<p>Давлат солиқ хизмати органи</p>		
3-босқич	<p>Давлат солиқ хизмати органи</p>		

**II. Ҳисобдан чиқариш бўйича**

4-босқич	Фаолиятини доимий муассаса ёки алоҳида бўлинма орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахсининг вакили	Ҳисобдан чиқариш тўғрисида давлат солиқ хизмати органига ариза тақдим этади.	Ўзбекистон Республикаси худудида ўз фаолиятини тугаллаган кундан эътиборан ўн беш календарь кунидан кечиктирумай
5-босқич	Давлат солиқ хизмати органи	Чет эл юридик шахсининг молияхўжалик фаолиятини текширади.	Ўттиз календарь кунидан кўп бўлмаган муддатда
6-босқич	Давлат солиқ хизмати органи	1. Чет эл юридик шахсларини белгиланган шартлар бажарилган тақдирда ҳисобдан чиқаради. 2. Фаолиятини доимий муассаса ёки алоҳида бўлинма орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахслари ҳисобдан чиқарилганлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этади.	Бир иш куни ичида





Чет эл юридик шахсларининг доимий  
муассасаларини ҳамда алоҳида  
бўлинмаларини давлат солик хизмати  
органларида ҳисобга қўйиш (ҳисобдан  
чиқариш) бўйича давлат хизматини  
кўрсатиш маъмурӣ регламентига  
4-илова

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

Ўзбекистон Республикасининг норезиденти давлат солик хизмати органида  
доимий муассаса сифатида ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида  
**МАЪЛУМОТНОМА**

### СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ - ЮРИДИК ШАХС-НОРЕЗИДЕНТ

Тўлиқ номи: \_\_\_\_\_

Кисқача номи: \_\_\_\_\_

Жойлашган ери (почта манзили): \_\_\_\_\_

### ДОИМИЙ МУАССАСА ТАШКИЛ ТОПИШИГА АСОС

№	Шартнома ёки ишончнома		Шартнома суммаси	Фаолият тури	Фаолият амалга оширилаётган жой	Юридик шахс - Ўзбекистон Республикаси резиденти номи
	Рақами ва санаси	Амал қилиш муддати				
1.						
2.						
3.						
4.						
5.						
...						

Солик органларида ҳисобга олинган ва унга қўйидаги идентификация рақами берилган:

--	--	--	--	--	--	--	--

Берилган сана: 20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

Давлат солик инпекцияси бошлиғи:

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.Ў.

Чет эл юридик шахсларининг доимий  
муассасаларини ҳамда алоҳида  
бўлинмаларини давлат солиқ хизмати  
органларида ҳисобга қўйиш (ҳисобдан  
чиқариш) бўйича давлат хизматини  
кўрсатиш маъмурий регламентига  
5-илова

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

Ўзбекистон Республикасида фаолиятини алоҳида бўлинма орқали  
амалга оширадиган чет эл юридик шахси солиқ органида ҳисобга  
қўйилганлиги ва унга идентификация рақами берилганлиги тўғрисида  
**ГУВОҲНОМА**

### ЧЕТ ЭЛ ЮРИДИК ШАХСИННИНГ ИДЕНТИФИКАЦИЯ РАҚАМИ

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Тўлиқ номи:


Қисқача номи:


СТИР берилган сана: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ туман (шахар)  
Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

Ф.И.О.: \_\_\_\_\_











Чет эл юридик шахсларининг доимий  
муассасаларини ҳамда алоҳида  
бўлинмаларини давлат солиқ хизмати  
органларида ҳисобга қўйиш (ҳисобдан  
чиқариш) бўйича давлат хизматини кўрсатиш  
маъмурий регламентига  
10-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ТУМАН (ШАҲАР) ДАВЛАТ  
СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИ

Манзили \_\_\_\_\_

тел. \_\_\_\_\_, факс \_\_\_\_\_

20\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_  
-сон

Ўзбекистон Республикасида фаолиятини доимий муассаса ёки  
алоҳида бўлинма орқали амалга оширадиган чет эл юридик шахси  
солиқ органида ҳисобдан чиқарилганлиги тўғрисида  
**МАЪЛУМОТНОМА**

шуни маълум қиладики,

(туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси)

(чет эл юридик шахсининг тўлиқ номи)

СТИР

--	--	--	--	--	--	--	--	--

чет эл юридик шахси вакили

томонидан тақдим этилган ариза асосида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига  
асосан \_\_\_\_\_ да солиқ органида ҳисобдан чиқарилди.  
(кун, ой, йил)

Давлат солиқ инспекцияси  
бошлиғи (ўринбосари) \_\_\_\_\_

(Ф.И.О.)



Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “2” апрелдаги 150-сон қарорига  
3-илова

**Ўзбекистон Республикасида товар-хомашё биржаларида  
операцияларни амалга оширувчи ва (ёки) ташкиллаштирилган  
савдоларда жамиятларнинг акцияларини сотиб оладиган (сотадиган)  
ҳамда жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси худуди  
реализация қилиш жойи деб эътироф этиладиган электрон шаклдаги  
хизматларни кўрсатувчи чет эл юридик шахсларини давлат солиқ  
хизмати органларида ҳисобга қўйиш (ҳисобдан чиқариш) бўйича  
давлат хизматини кўрсатиш  
**МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ****

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Регламент Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида товар-хомашё биржаларида операцияларни амалга оширувчи ва (ёки) ташкиллаштирилган савдоларда жамиятларнинг акцияларини сотиб оладиган (сотадиган) чет эл юридик шахсларини (кейинги ўринларда – биржа савдоларида қатнашувчи чет эл юридик шахслари) ҳамда жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси худуди реализация қилиш жойи деб эътироф этиладиган электрон шаклдаги хизматлар кўрсатувчи чет эл юридик шахсларини (кейинги ўринларда – электрон шаклда хизматлар кўрсатувчи чет эл юридик шахслари) давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш (ҳисобдан чиқариш) бўйича давлат хизмати (кейинги ўринларда – давлат хизмати) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Давлат хизмати, биржа савдоларида қатнашувчи чет эл юридик шахсларига туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси (кейинги ўринларда – солиқ органи) томонидан, электрон шаклда хизматлар кўрсатувчи чет эл юридик шахсларига Йирик солиқ тўловчилар бўйича худудлараро давлат солиқ инспекцияси (кейинги ўринларда – солиқ органи) томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайти (кейинги ўринларда – веб-сайт) орқали электрон тарзда кўрсатилади.

3. Биржа савдоларида қатнашувчи чет эл юридик шахслари биржа савдоларини ташкил этувчи жойлашган ердаги солиқ органида, электрон шаклда хизматлар кўрсатувчи чет эл юридик шахслари Йирик солиқ тўловчилар бўйича худудлараро давлат солиқ инспекциясида уларга солиқ тўловчининг идентификация рақами берилган ҳолда ҳисобга қўйилади.

4. Давлат хизматини кўрсатиш бепул амалга оширилади.

## **2-боб. Биржа савдоларида қатнашувчи ҳамда электрон шаклда хизматлар кўрсатувчи чет эл юридик шахсларини ҳисобга қўйиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш тартиби**

5. Биржа савдоларида қатнашувчи ҳамда электрон шаклда хизматлар кўрсатувчи чет эл юридик шахслари давлат солиқ хизмати органларида мазкур Регламентга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ ҳисобга қўйилади.

6. Давлат хизматидан фойдаланиш учун биржа савдоларида қатнашувчи чет эл юридик шахсининг вакили томонидан ҳисобга қўйиш тўғрисида ушбу Регламентга 2-иловада келтирилган шаклга мувофиқ ариза веб-сайт орқали электрон равишида тўлдирилади.

Аризага қўйидаги хужжатлар электрон тарзда илова қилинади:

- a) чет эл юридик шахси таъсис этилган мамлакатда давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи хужжатнинг давлат тилига ёки рус тилига таржима қилинган нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси (солиқ тўловчининг хос рақами кўрсатилган ҳолда);
- б) вакилнинг фуқаролик паспорти нусхаси;
- в) вакилнинг чет эл юридик шахси номидан Ўзбекистон Республикасида ҳаракатларни амалга ошириш ҳукуқини тасдиқловчи ишончноманинг ёки бошқа хужжатнинг (улар мавжуд бўлган тақдирда) давлат тилига ёки рус тилига таржима қилинган нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси.

7. Электрон шаклда хизматлар кўрсатувчи чет эл юридик шахсининг вакили томонидан ҳисобга қўйиш тўғрисида ушбу Регламентга 3-иловада келтирилган шаклга мувофиқ ариза веб-сайт орқали электрон тарзда тўлдирилади.

Аризага чет эл юридик шахси таъсис этилган мамлакатда давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи хужжатнинг давлат тилига ёки инглиз тилига таржима қилинган нусхаси электрон тарзда илова қилинади. Бунда хужжатнинг нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси талаб этилмайди.

8. Солиқ органлари томонидан биржа савдоларида қатнашувчи ҳамда электрон шаклда хизматлар кўрсатувчи чет эл юридик шахсларини ҳисобга қўйишида мазкур Регламентнинг 6 ва 7-бандларида кўрсатилган хужжатлардан ташқари бошқа хужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

9. Солиқ органлари биржа савдоларида қатнашувчи ҳамда электрон шаклда хизматлар кўрсатувчи чет эл юридик шахсларини мазкур Регламентнинг 6 ва 7-бандларида кўрсатилган барча зарур хужжатлар асосида ҳисобга қўйиш учун ариза берилган кундан эътиборан уч иш куни ичida ҳисобга қўйиши шарт.

10. Ҳисобга қўйиш учун тақдим этилган хужжатлар мазкур Регламентнинг талаблариға мувофиқ бўлмаган ҳолларда солиқ органлари томонидан бу ҳақда ариза берувчи хужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан уч иш куни ичида электрон тарзда хабардор қилинади.

11. Аризада келтирилган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг автоматлаштирилган тизими орқали Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритилади.

12. Аризада келтирилган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрида ишловдан ўтказилгач, биржа савдоларида қатнашувчи чет эл юридик шахсига солиқ органида ҳисобга қўйилганлиги ва унга идентификация рақами берилганлиги тўғрисида мазкур Регламентга 4-иловада келтирилган шаклга мувофиқ, электрон шаклда хизматлар кўрсатувчи чет эл юридик шахсни солиқ органида ҳисобга қўйилганлиги ва унга идентификация рақами берилганлиги тўғрисида мазкур Регламентга 5-иловада келтирилган шаклга мувофиқ гувоҳнома электрон тарзда юборилади.

13. Биржа савдоларида қатнашувчи ҳамда электрон шаклда хизматлар кўрсатувчи чет эл юридик шахсларининг ҳисобга қўйиладиган маълумотлари ўзгарганда, чет эл юридик шахсининг вакили томонидан бундай ўзгаришлар юзага келган кундан эътиборан ўн календарь кунидан кечиктирмай веб-сайт орқали электрон тарзда биржа савдоларида қатнашувчи чет эл юридик шахси томонидан солиқ органига аввал тақдим қилинган маълумотлар ўзгарганлиги тўғрисида мазкур Регламентга 6-иловада келтирилган шаклга мувофиқ, электрон шаклда хизматлар кўрсатувчи чет эл юридик шахси томонидан солиқ органига аввал тақдим қилинган маълумотлар ўзгарганлиги тўғрисида мазкур Регламентга 7-иловада келтирилган шаклга мувофиқ ариза тақдим этилади.

14. Тақдим этилган маълумотлар асосида солиқ органлари томонидан чет эл юридик шахсининг ҳисоб маълумотларига уч иш куни ичида тегишли ўзгартиришлар киритилади.

**3-боб. Биржа савдоларида қатнашувчи ҳамда электрон шаклда хизматлар кўрсатувчи чет эл юридик шахсларини ҳисобдан чиқариш бўйича давлат хизматини кўрсатиш тартиби**

15. Давлат хизматидан фойдаланиш учун биржа савдоларида қатнашувчи чет эл юридик шахсининг вакили томонидан товар-хомашё биржалари ва (ёки) ташкиллаштирилган савдоларда фаолияти тўлиқ тутатилиб, банк ҳисобварақлари ёпилгандан сўнг ўн беш календарь кунидан кечиктирмай мазкур Регламентга 8-иловада келтирилган шаклга мувофиқ, электрон шаклда хизматлар кўрсатувчи чет эл юридик шахсининг вакили томонидан электрон шаклда хизматлар кўрсатиш тутатилган кундан эътиборан ўттиз календарь кунидан кечиктирмай мазкур Регламентга

9-иловада келтирилган шаклга мувофиқ солиқ органига ҳисобдан чиқариш тўғрисида ариза веб-сайт орқали электрон тарзда тақдим этилади.

16. Солиқ органлари томонидан чет эл юридик шахсларини ҳисобдан чиқариш қўйидаги шартлар бажарилганда амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгиланган солиқлар ва йифимларни тўлаш мажбурияти тўлиқ бажарилган ва солиқ қарзи мавжуд бўлмагандан;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Давлат солиқ қўмитасига электрон шаклда юборилган ахборот асосида биржа савдоларида қатнашувчи чет эл юридик шахсларининг банк ҳисобвараклари ёпилганлиги тасдиқланганда.

17. Чет эл юридик шахсларини ҳисобдан чиқариш мазкур Регламентнинг 16-бандида белгиланган шартлар бажарилгандан сўнг уч иш куни ичидаги амалга оширилади.

18. Солиқ органлари томонидан биржа савдоларида қатнашувчи чет эл юридик шахслари ҳисобдан чиқарилгандан сўнг мазкур Регламентга 10-иловада келтирилган шаклга мувофиқ, электрон шаклда хизматлар кўрсатувчи чет эл юридик шахслари ҳисобдан чиқарилгандан сўнг мазкур Регламентга 11-иловада келтирилган шаклга мувофиқ ҳисобдан чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотнома реал вақт режимида электрон тарзда тақдим этилади.

#### **4-боб. Якунловчи қоида**

19. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасида товар-хомашё биржаларида операцияларни амалга оширувчи ва (ёки) ташкиллаштирилган савдоларда жамиятларнинг акцияларини сотиб оладиган (сотадиган) ҳамда жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудуди реализация қилиш жойи деб эътироф этиладиган электрон шаклдаги хизматларни кўрсатувчи чет эл юридик шахсларини давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш (ҳисобдан чиқариш) бўйича давлат хизматини кўрсатиш маъмурий регламентига 1-илова

Ўзбекистон Республикасида товар-хомашё биржаларида операцияларни амалга оширувчи ва (ёки) ташкиллаштирилган савдоларда жамиятларнинг акцияларини сотиб оладиган (сотадиган) ҳамда жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудуди реализация қилиш жойи деб эътироф этиладиган электрон шаклдаги хизматларни кўрсатувчи чет эл юридик шахсларини давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш (ҳисобдан чиқариш)

**СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
<b>I. Ҳисобга қўйиш бўйича</b>			
1-bosqich	Биржа савдоларида қатнашувчи ёки электрон шаклда хизматлар кўрсатувчи чет эл юридик шахсининг вакили	Ҳисобга қўйиш тўғрисида Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайт орқали электрон тарзда ариза тўлдиради.	Мурожаат қилинганда (реал вакт режимида)
2-bosqich	Давлат солиқ хизмати органи	1. Биржа савдоларида қатнашувчи ёки электрон шаклда хизматлар кўрсатувчи чет эл юридик шахсларини ҳисобга қўяди. 2. Аризада келтирилган маълумотларни Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритади.	Ариза тақим қилинган кундан эътиборан уч иш куни ичидা
3-bosqich	Давлат солиқ хизмати органи	Биржа савдоларида қатнашувчи ёки электрон шаклда хизматлар кўрсатувчи чет эл юридик шахсига солиқ органида ҳисобга қўйилганлиги ва унга идентификация рақами берилганлиги тўғрисида гувоҳнома тақдим этади.	Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрида ишловдан ўтказилгандан сўнг

**II. Ҳисобдан чиқариш бўйича**

4-босқич	<p>Биржа савдоларида қатнашувчи чет эл юридик шахсининг вакили</p> <p>Электрон шаклда хизматлар кўрсатувчи чет эл юридик шахсининг вакили</p>	<p>Ҳисобдан чиқариш тўғрисида Давлат солик қўмитасининг расмий веб-сайт орқали электрон тарзда ариза тақдим этади.</p>	<p>Фаолияти тўлиқ тугатилиб, банк ҳисобвараклари ёпилгандан сўнг ўн беш календарь кунидан кечиктирмай</p> <p>Электрон шаклда хизматлар кўрсатувчи тугатилган кундан эътиборан ўтгиз календарь кунидан кечиктирмай</p>
5-босқич	<p>Давлат солик хизмати органи</p>	<p>1. Биржа савдоларида қатнашувчи ёки электрон шаклда хизматлар кўрсатувчи чет эл юридик шахсларини белгиланган шартлар бажарилган тақдирда ҳисобдан чиқаради.</p> <p>2. Биржа савдоларида қатнашувчи ёки электрон шаклда хизматлар кўрсатувчи чет эл юридик шахслари ҳисобдан чиқарилганлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этади.</p>	<p>Реал вақт режимида</p>





Ўзбекистон Республикасида товар-хомашё биржаларида  
операцияларни амалга оширувчи ва (ёки)  
ташкиллаштирилган савдоларда жамиятларнинг  
акцияларини сотиб оладиган (сотадиган) ҳамда  
жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси худуди  
реализация килиш жойи деб эътироф этиладиган  
электрон шаклдаги хизматларни кўрсатувчи чет  
эл юридик шахсларини давлат солиқ хизмати  
органларида хисобга қўйиш (хисобдан чиқариш) бўйича  
давлат хизматини кўрсатиш маъмурий регламентига  
4-илова

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

**Ўзбекистон Республикасида товар-хомашё биржаларида операцияларни  
амалга оширувчи ва (ёки) ташкилий савдоларда жамиятларнинг  
акцияларини сотиб оладиган (сотадиган) чет эл юридик шахси солиқ  
органида хисобга қўйилганлиги ва унга идентификация рақами  
берилганлиги тўғрисида  
ГУВОҲНОМА**

### ЧЕТ ЭЛ ЮРИДИК ШАХСИНИНГ ИДЕНТИФИКАЦИЯ РАҚАМИ

--	--	--	--	--	--	--	--

Тўлиқ номи:


Қисқача  
номи:


СТИР берилган сана:

\_\_\_\_\_ туман (шаҳар)  
Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи      Ф.И.О.: \_\_\_\_\_



Ўзбекистон Республикасида товар-хомашё биржаларида операцияларни амалга оширувчи ва (ёки) ташкиллаштирилган савдоларда жамиятларнинг акцияларини сотиб оладиган (сотадиган) ҳамда жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси худуди реализация қилиш жойи деб эътироф этиладиган электрон шаклдаги хизматларни кўрсатувчи чет эл юридик шахсларини давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш (ҳисобдан чиқариш) бўйича давлат хизматини кўрсатиш маъмурий регламентига 5-илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ЙИРИК СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР БЎЙИЧА ҲУДУДЛАРАРО  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИ**

**STATE TAX COMMITTEE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN  
INTERREGIONAL STATE TAX INSPECTION FOR LARGE TAXPAYERS**

**ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
МЕЖРЕГИОНАЛЬНАЯ НАЛОГОВАЯ ИНСПЕКЦИЯ ПО КРУПНЫМ  
НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИКАМ**

Электрон шаклда хизматлар кўрсатувчи чет эл юридик шахси солиқ органида ҳисобга қўйилганлиги ва унга солиқ тўловчининг идентификация рақами берилганлиги тўғрисида

**ГУВОҲНОМА**

**C E R T I F I C A T E**  
on registration at the tax authority and assignment of Taxpayer Identification Number  
to the foreign legal entity providing e-services

**С В И Д Е Т Е Л Ь С Т В О**  
о постановке на учет в налоговом органе и присвоении идентификационного  
номера налогоплательщика иностранному юридическому лицу,  
оказывающему услуги в электронной форме

Чет эл юридик шахсининг тўлиқ номи:

Full name of the foreign legal entity:

Полное наименование иностранного юридического лица:

Солиқ тўловчининг идентификация рақами. ҚҚС тўловчиси рақами:

Taxpayer identification number. VAT payer number:

Идентификационный номер налогоплательщика. Номер плательщика НДС:

--	--	--	--	--	--	--	--	--

Ҳисобга қўйилган сана:

Registration date:

Дата постановки на учет:











Ўзбекистон Республикасида товар-хомашё биржаларида  
операцияларни амалга оширувчи ва (ёки)  
ташкиллаштирилган савдоларда жамиятларнинг  
акцияларини сотиб оладиган (сотадиган) ҳамда  
жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси худуди  
реализация қилиш жойи деб эътироф этиладиган  
электрон шаклдаги хизматларни кўрсатувчи чет  
эл юридик шахсларини давлат солиқ хизмати  
органларида ҳисобга қўйиш (ҳисобдан чиқариш) бўйича  
давлат хизматини кўрсатиш маъмурий регламентига  
10-илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
\_\_\_\_\_ ТУМАН (ШАҲАР)  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИ**

Манзили \_\_\_\_\_

тел. \_\_\_\_\_, факс \_\_\_\_\_

20 \_\_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_\_ ”  
\_\_\_\_\_ -сон

**Ўзбекистон Республикасида товар-хомашё биржаларида операцияларни  
амалга оширувчи ва (ёки) ташкилий савдоларда жамиятларнинг  
акцияларини сотиб оладиган (сотадиган) чет эл юридик шахси солиқ  
органида ҳисобдан чиқарилганлиги тўғрисида  
**МАЪЛУМОТНОМА****

\_\_\_\_\_ шуни маълум қиласиди,  
(туман (шахар) давлат солиқ инспекцияси)

(чет эл юридик шахснинг тўлиқ номи)

СТИР

--	--	--	--	--	--	--	--

чет эл юридик шахси вакили

томонидан тақдим этилган ариза асосида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига  
асосан \_\_\_\_\_ да солиқ органида ҳисобдан чиқарилди.  
(кун, ой, йил)

**Давлат солиқ инспекцияси  
бошлиғи (ўринбосари)**

(Ф.И.О.)



Ўзбекистон Республикасида товар-хомаш ё биржаларида  
операцияларни амалга оширувчи ва (ёки)  
ташкиллаштирилган савдоларда жамиятларнинг  
акцияларини сотиб оладиган (сотадиган) ҳамда  
жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси худуди  
реализация килиш жойи деб эътироф этиладиган  
электрон шаклдаги хизматларни кўрсатувчи чет  
эл юридик шахсларини давлат солиқ хизмати  
органларида ҳисобга қўйиш (ҳисобдан чиқариш) бўйича  
давлат хизматини кўрсатиш маъмурий регламентига  
11-илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИ  
ЙИРИК СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР  
БЎЙИЧА ҲУДУДЛАРАРО  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИ**

Манзили \_\_\_\_\_

тел. \_\_\_\_\_, факс \_\_\_\_\_

20\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_  
-сон

**Электрон шаклда хизматлар кўрсатувчи чет эл юридик шахси  
солиқ органида ҳисобдан чиқарилганлиги тўғрисида  
МАЪЛУМОТНОМА**

шуни маълум қиласиди,  
(давлат солиқ инспекцияси)

(чет эл юридик шахснинг тўлиқ номи)

СТИР

--	--	--	--	--	--	--	--

чет эл юридик шахси вакили

томонидан тақдим этилган ариза асосида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига  
асосан \_\_\_\_\_ да солиқ органида ҳисобдан чиқарилди.  
(кун, ой, йил)

**Давлат солиқ инспекцияси  
бошлиғи (ўринбосари)**

(Ф.И.О.)



Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “2” апрелдаги 150-сон қарорига  
4-илова

**Солик тўловчиларни солик органларида солик солиш обьекти бўйича  
ҳисобга қўйиш юзасидан давлат хизматини кўрсатиш  
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Регламент Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексига (кейинги ўринларда – Солик кодекси) мувофиқ солик тўловчиларни солик органларида солик солиш обьекти бўйича ҳисобга қўйиш юзасидан давлат хизматини (кейинги ўринларда – давлат хизмати) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Давлат хизмати қўшилган қиймат солиги тўловчилари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солик бошқармалари, бошқа солик тўловчилар бўйича солик солиш обьекти жойлашган ердаги туман (шаҳар) давлат солик инспекцияси (кейинги ўринларда – солик органи) томонидан кўрсатилади.

3. Солик тўловчини обьектлар бўйича ҳисобга қўйиш Солик кодексида белгиланган тартибда ҳисобга қўйилганидан кейин, агар Солик кодексига мувофиқ солик тўловчи сифатида ҳисобга қўйилмаган жойда ер солиги, мол-мулк солиги, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик ва (ёки) норуда қазилма бойликлари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солик, бензин, дизель ёқилғиси ва газни охирги истеъмолчига реализация қилишда акциз солигини тўлаш мажбурияти юзага келган, шунингдек худудий алоҳида бўлинма жойлашган ери бўйича доимий ходимлар сони йигирма беш кишидан кўп бўлган иш жойи яратилган бўлса амалга оширилади.

4. Давлат хизматини кўрсатиш бепул амалга оширилади.

5. Солик солинадиган обьектлар бўйича мол-мулк солиги ва ер солиги тўловчиси бўлган жисмоний шахсларни ҳисобга қўйиш солик органлари томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

6. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларни улар ўз фаолиятини амалга оширадиган жойи бўйича ҳисобга қўйиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Давлат солик қўмитасига тақдим этилган ҳисоб рўйхатига олинган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг электрон реестридаги маълумотлар асосида солик органлари томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

## **2-боб. Давлат хизматини кўрсатиш тартиби**

7. Солиқ тўловчилар солиқ солиши объекти бўйича давлат солиқ хизмати органларида ушбу Регламентга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ ҳисобга қўйилади.

8. Давлат хизматидан фойдаланиш учун солиқ тўловчининг вакили (кейинги ўринларда – ариза берувчи) томонидан тегишли ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган, мол-мулк солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва (ёки) норуда қазилма бойликлари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солиши объекти вужудга келган кундан эътиборан, акцизости маҳсулотни реализация қилиш бошланган пайтдан бошлаб, алоҳида бўлинма ташкил этилган пайтдан бир ой ўтганидан кейин ўн календарь куни ичида солиқ солиши объектларини улар жойлашган ерда ҳисобга қўйиш тўғрисида солиқ органига мазкур Регламентга 2-иловада келтирилган шаклга мувофиқ ариза тақдим этилади.

Аризага қўйидаги хужжатларнинг нусхалари илова қилинади:

а) тегишли ер участкаси ажратилганлиги тўғрисидаги туман (шаҳар) ҳокимининг қарори;

б) кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи хужжат;

в) бензин, дизель ёқилғиси ва газни охирги истеъмолчига реализация қилиш ҳуқуқини берувчи хужжат;

г) норуда қазилма бойликларини қазиб олиш қилиш ҳуқуқини берувчи хужжат;

д) ходимлар сони йигирма беш кишидан кўп бўлган доимий иш жойи яратилганда ходимларнинг (фамилияси, исми, отасининг исми, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, ишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқ рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда) рўйхати.

9. Солиқ органлари томонидан солиқ тўловчиларни солиқ солиши объекти бўйича ҳисобга қўйишда мазкур Регламентнинг 8-бандида кўрсатилган хужжатлардан ташқари бошқа хужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

10. Солиқ органлари солиқ тўловчиларни мазкур Регламентнинг 8-бандида кўрсатилган барча зарур хужжатлар асосида мурожаат қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай, уларга илгари берилган солиқ тўловчининг идентификация рақамига мувофиқ объектнинг жойлашган ери бўйича ҳисобга қўяди.

11. Ҳисобга қўйиш учун тақдим этилган хужжатлар мазкур Регламент талабларига мувофиқ бўлмаган ҳолларда солиқ органлари томонидан бу ҳақда ариза берувчи хужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан уч иш куни ичида хабардор қилинади.

12. Аризада келтирилган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг автоматлаштирилган тизими орқали Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритилади.

13. Аризада келтирилган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрида ишловдан ўтказилгач, ариза берувчига солиқ тўловчи солиқ органида солиқ солиш обьекти бўйича ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида мазкур Регламентга 3-иловада келтирилган шаклга мувофиқ маълумотнома берилади.

14. Солиқ тўловчиларнинг ҳисоб маълумотлари ўзгарганда ариза берувчи томонидан бундай ўзгаришлар юзага келган кундан эътиборан ўн календарь кунидан кечиктирмай солиқ органига аввал тақдим қилинган маълумотлар ўзгарганлиги тўғрисида мазкур Регламентга 4-иловада келтирилган шаклга мувофиқ ариза тақдим этилади.

15. Тақдим этилган маълумотлар асосида солиқ органлари томонидан солиқ тўловчининг ҳисоб маълумотларига уч иш куни ичида тегишли ўзгартиришлар киритилади.

16. Ер солиғи, мол-мулк солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва (ёки) норуда қазилма бойликлари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, бензин, дизель ёқилғиси ва газни охирги истеъмолчига реализация қилишда акциз солиғини тўлаш мажбурияти тугаган, шунингдек, худудий алоҳида бўлинма жойлашган ери бўйича доимий яратилган иш жойидаги ходимлар сони йигирма беш кишидан камайган ёки алоҳида бўлинма фаолияти тўхтатилган тақдирда, солиқ тўловчи томонидан ўн календарь кунидан кечиктирмай солиқ органига мазкур Регламентга 5-иловада келтирилган шаклга мувофиқ хабарнома юборилади.

Бунда, солиқ органи томонидан хабарнома олинган кундан бошлаб уч календарь куни ичида солиқ тўловчининг кейинги даврлар учун солиқ ҳисботларини тақдим этиш мажбурияти тугаганлиги (бундан олдинги даврлар учун тақдим этилмаган солиқ ҳисботлари мустасно) бўйича ахборот тизимига тегишли ўзгартириш киритилади.

### **3-боб. Якунловчи қоида**

17. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Солиқ тўловчиларни солиқ  
органларида солиқ солиш объекти  
бўйича ҳисобга қўйиш юзасидан  
давлат хизматини кўрсатиш  
маъмурий регламентига  
1-илова

**Солиқ тўловчиларни давлат солиқ хизмати органларида  
солиқ солиш объекти бўйича ҳисобга қўйиш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Механизм	Муддатлар
1-босқич	Солиқ тўловчининг вакили	<p>Мол-мулк солиги, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва (ёки) норуда қазилма бойликлари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солиш объекти вужудга келган кундан эътиборан:</p> <p>акцизости маҳсулотни реализация килиш бошланган пайтдан бошлаб;</p> <p>алоҳида бўлинма ташкил этилган пайтдан бир ой ўтганидан кейин давлат солиқ органига ариза тақдим этади.</p>	Ўн календарь куни ичида
2-босқич	Давлат солиқ хизмати органи	<ol style="list-style-type: none"><li>Солиқ тўловчиларни уларга илгари берилган СТИРга мувофиқ обьектнинг жойлашган ери бўйича ҳисобга олади.</li><li>Маълумотларни Давлат солиқ қўмитасининг автоматлаштирилган тизими орқали Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритади.</li></ol>	Ариза ва ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан уч иш куни ичида
3-босқич	Солиқ тўловчининг вакили	Аввал тақдим қилинган маълумотлар ўзгарганлиги тўғрисида ариза тақдим этилади.	Ўзгаришлар юзага келган кундан эътиборан ўн календарь кунидан кечиктирмай
4-босқич	Давлат солиқ хизмати органи	Тақдим этилган маълумотлар асосида солиқ тўловчининг ҳисоб маълумотларига тегишли ўзгартиришларни киритади.	Уч иш куни ичида

5-босқич	Солиқ тўловчининг вакили	Давлат солиқ хизмати органига солиқ тўлаш мажбурияти тугаганлиги тўғрисида хабарнома юборади.	Солиқ тўлаш мажбурияти тугатилган кундан бошлаб ўн календарь кунидан кечиктирмай
6-босқич	Давлат солиқ хизмати органи	Солиқ тўловчининг кейинги даврлар учун солиқ ҳисоботларини тақдим этиш мажбурияти тугаганлиги бўйича ахборот тизимига тегишли ўзгартеришиларни киритади.	Хабарнома олинган кундан бошлаб уч календарь куни ичida



**Солик тўловчининг раҳбари тўғрисидаги маълумотлар**

Фамилияси

Исми

Отасининг  
исми

ЖШШИР

Телефон рақами  
(код билан)

**Солик тўловчининг хисобчиси тўғрисидаги маълумотлар**

Фамилияси

Исми

Отасининг  
исми

ЖШШИР

Телефон рақами  
(код билан)

Солиқ тўловчиларни солиқ  
органларида солиқ солиш обьекти<sup>1</sup>  
бўйича ҳисобга қўйиш юзасидан  
давлат хизматини кўрсатиш  
маъмурий регламентига  
3-илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ**

**ДАВЛАТ СОЛИҚ БОШҚАРМАСИ  
(ИНСПЕКЦИЯСИ)**

Манзили \_\_\_\_\_

тел. \_\_\_\_\_, факс \_\_\_\_\_

20\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_  
-сон

**Солиқ тўловчи солиқ органида солиқ солиш обьекти бўйича  
ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида  
МАЪЛУМОТНОМА**

шуни маълум қиласадиги,  
(давлат солиқ бошкармаси (инспекцияси) номи)

(солиқ тўловчининг тўлиқ номи ёки Ф.И.О.)

СТИР

солиқ тўловчи вакили томонидан тақдим этилган ариза асосида Ўзбекистон Республикасининг  
Солиқ кодексига асосан \_\_\_\_\_ да солиқ органида ҳисобга қўйилди.  
(кун, ой, йил)

Давлат солиқ бошқармаси  
(инспекцияси) бошлиғи (ўринбосари) \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)





Солиқ тұловчиларни солиқ  
органларыда солиқ солиши объекті  
бүйича ҳисобға қўйиш юзасидан  
давлат хизматини кўрсатиш  
маъмурӣ регламентига  
5-илова

давлат солиқ бошқармаси (инспекцияси)

Манзили \_\_\_\_\_

**Солиқ тұлаш мажбурияти тугатилғанлиги тұғрисида  
ХАБАРНОМА**

\_\_\_\_\_ шуни маълум қиладики,  
(солиқ тұловчи номи, СТИР ёки ЖШШИР)

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига асосан қуйидагилар бүйича солиқ тұлаш мажбурияти тугатилди\*:

- |                                                                                                         |                                                                                                                      |                                                                                                                                                                                           |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <input type="checkbox"/> ер солиғини тұлаш                                                              | <input type="checkbox"/> мол-мұлк солиғини тұлаш                                                                     | <input type="checkbox"/> сув ресурсларидан фойдаланғанлик учун солиқни тұлаш                                                                                                              |
| <input type="checkbox"/> норуда казилма бойліклари бүйича ер қаъридан фойдаланғанлик учун солиқни тұлаш | <input type="checkbox"/> бензин, дизель ёқылғиси ва газни охирги истеъмолчига реализация қилишда акиз солиғини тұлаш | <input type="checkbox"/> алохіда бўлинма жойлашган жой бўйича доимий яратилган иш жойидаги ходимлар сони йигирма беш кишидан камайғанлиги (алохіда бўлинма фаолияти тұхтатилғанлиги) учун |

\_\_\_\_\_ (солиқ тұловчи номи, масъул шахснинг лавозими)

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

\* Тегишли қаторга «+» белгиси қўйилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “3” апрелдаги 150-сон қарорига  
5-илова

**Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи Ўзбекистон  
Республикаси резидентлари – юридик ва жисмоний шахсларнинг  
доимий жойлашуви (резидентлик) фактини расмий тасдиқлаб бериш  
бўйича давлат хизматини кўрсатиш  
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Регламент Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги “Солиқ-сервис” давлат унитар корхонаси томонидан (кейинги ўринларда – ваколатли орган) Ўзбекистон Республикаси резидентлари – юридик ва жисмоний шахсларнинг доимий жойлашуви (резидентлик) фактини расмий тасдиқлаш ҳамда солиқ резидентлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламентда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентлари** – тегишли мақоми ўзига нисбатан белгиланган солиқ даври бошланадиган ёки тугайдиган ҳар қандай кетма-кет ўн икки ойлик давр давомида жами бир юз саксон уч календарь кунидан кўпроқ Ўзбекистон Республикасида ҳақиқатда бўлиб турган жисмоний шахслар.

Агар жисмоний шахс тегишли солиқ даврида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жами камида бир юз саксон уч кун бўлиб, бироқ айни пайтда ушбу туриш муддати унинг бошқа бирор-бир давлатда турган муддатидан кўпроқ бўлса ҳам, у Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти деб эътироф этилади.

Агар жисмоний шахс юқорида келтирилган ўн икки ойлик муддат тугагунга қадар солиқ органларига узоқ муддатли меҳнат шартномасини ёки юқорида назарда тутилган шартлар бажарилишини тасдиқловчи бошқа ҳужжатни тақдим этса, ўзининг аризасига биноан Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти деб эътироф этилиши мумкин.

Жисмоний шахснинг солиқ резидентлиги мақоми бўйича алоҳида ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (кейинги ўринларда – Солиқ кодекси) 30-моддасига мувофиқ белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари, Ўзбекистон Республикасининг солиқ солиш масалалари бўйича халқаро шартномаларига мувофиқ ушбу халқаро шартномаларни қўллаш мақсадлари учун Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентлари деб эътироф этилган чет эл юридик шахслари, ҳақиқатда бошқарув амалга ошириладиган ҳудуди Ўзбекистон Республикаси бўлган чет эл юридик шахслари Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти деб эътироф этилади.

Юридик шахснинг солиқ резидентлиги мақоми бўйича алоҳида ҳолатлар Солиқ кодексининг 33-моддасига асосан кўриб чиқилади;

**солиқ резидентлигини тасдиқловчи ҳужжат** – фуқаро, якка тартибдаги тадбиркор, юридик шахс ва давлат ўртасидаги фискал алоқани тасдиқловчи ҳужжат.

Ахдлашувчи давлат қонунлари бўйича ўзининг яшаш жойи, доимий бўлиш жойи, корпорация сифатида ташкил топган жойи, бошқарув жойи ва ҳар қандай бошқа шунга ўхшаш мезонлар асосида солиққа тортиладиган ҳар қандай шахс мақомини расман тасдиқлаб берувчи ҳужжатни англатади.

3. Давлат хизматлари маркази ва ваколатли орган ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда – ЭРИ) мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро ўзаро электрон боғланиш асосида амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси солиқ резидентлари – юридик ва жисмоний шахсларнинг доимий жойлашуви (резидентлик) фактини расмий тасдиқлаб бериш бўйича давлат хизмати:

давлат солиқ хизмати органлари Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар ўртасида тузилган иккиёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш бўйича халқаро Келишув қоидаларини қўллаш мақсадида мурожаат қилган юридик ёки жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси резидентлари эканликларини тасдиқлаб бериш;

давлат хизмати органларига мурожаат қилган юридик ва жисмоний шахсларга зарур бўлган шароитларни яратиш, уларнинг вақти ва харажатлари тежалишини таъминлаш мақсадида кўрсатилади.

## **2-боб. Давлат хизматидан фойдаланиш тартиби**

5. Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси резидентлари – юридик ва жисмоний шахсларнинг доимий жойлашуви (резидентлик) факти ушбу Регламентга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ тасдиқлаб берилади.

6. Ўзбекистон Республикаси резидентлари – юридик ва жисмоний шахслар (кейинги ўринларда – сўровнома берувчи) давлат хизматидан фойдаланиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг (кейинги ўринларда – Давлат солиқ қўмитаси) расмий веб-сайти орқали ушбу Регламентга 2 ва 3-иловаларда келтирилган шаклларга мувофиқ сўровномани тўлдириб электрон тарзда юборади.

Сўровнома берувчи мазкур давлат хизматидан фойдаланиш учун давлат хизматлари марказларига ёки ваколатли органга ташриф буюрган ҳолда мурожаат қилиши мумкин.

7. Сўровнома берувчи ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, давлат хизматлари маркази ёки ваколатли органнинг ходими сўровнома берувчи номидан сўровномани электрон тарзда тўлдиради.

8. Хизматлардан мустақил тарзда фойдаланиш учун юридик ва жисмоний шахслар интернет тармоғи орқали Давлат солиқ қўмитасининг [www.my.soliq.uz](http://www.my.soliq.uz) расмий сайтига ёки ЯИДҲПга тегишли фойдаланувчининг СТИР ёки ЖШШИР рақами ва паролини киритиб, тасдиқланган шаклдаги сўровномани тўлдиришлари лозим.

Бунда, [www.my.soliq.uz](http://www.my.soliq.uz) сайтида СТИР ёки ЖШШИР маълумотини киритиш орқали мурожаат қилган юридик ёки жисмоний шахснинг Давлат солиқ қўмитасининг ягона маълумотлар базасидан ушбу СТИР ёки ЖШШИРга тааллуқли бўлган маълумотлар (юридик шахснинг номи, юридик манзили, рўйхатга қўйиш маълумотлари, жисмоний шахснинг Ф.И.О., яшаш манзили ва паспорт маълумотлари) автоматик тарзда шакллантирилади.

9. Доимий жойлашуви (резидентлик) фактини расмий тасдиқлаш учун ариза билан куйидаги хужжатларни тақдим етиш талаб этилади:

а) ҳақиқатда бошқарув амалга ошириладиган худуд Ўзбекистон Республикаси бўлган чет эл юридик шахслари – Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий бошқарув амалга ошириладиган жой мавжудлигини тасдиқловчи хужжат;

б) чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар:

чет эл паспорти ёки фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасининг нусхаси;

Ўзбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳнома (мавжуд бўлса);

Ўзбекистон Республикасида бўлиш муддатини тасдиқловчи хужжат (виза ёки бошқа хужжатлар).

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун доимий яшаш (резидентлик) фактини тасдиқлаш қуйидаги Ўзбекистон Республикаси худудида бўлиш вақтини ҳисоблаш жадвали асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирган вақти	Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқсан вақти	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган кунлар сони

Сўровнома берувчи давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганида унинг сўровномаси давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, сўровнома берувчининг имзоси билан тасдиқлангандан сўнг паспорт нусхаси илова қилиниб, давлат хизматлари маркази ходимининг ЭРИ билан тасдиқланган ҳолда ўн дақиқа мобайнида ваколатли органга электрон шаклда юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса сўровнома автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.

### **3-боб. Давлат хизмати орқали келиб тушган сўровномани электрон тартибда қабул қилиш ва давлат хизмати қўрсатиш тартиби**

10. Давлат хизматлари – ЯИДХП, давлат хизматлари марказлари, Давлат солиқ қўмитасининг маҳсус сайти орқали юборилган сўровнома рад этилмасдан қабул қилинади. Сўровнома белгиланган техник тўлдириш талабларига жавоб бермаса ёки маълумотлар тўлиқ киритилмаган бўлса, сўровнома қайта ишлаш учун қайтариб юборилади.

Шунингдек, жиноят иши, банкрутилк иши, банк ҳисоб рақами ёки мол-мулкига тақиқ қўйилган ва солиқ ҳамда мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги мавжуд бўлган ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатларда ваколатли орган ходими томонидан сўровномани қўриб чиқиши пайтида қайтариб юборилади.

Давлат хизматларини қўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

11. Сўровнома берувчилар давлат хизматидан фойдаланишдан уни қўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Сўровнома берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда унинг сўровномаси қўриб чиқилмасдан қолдирилади.

12. Ваколатли орган уч иш куни мобайнида QR-кодли (метрик штрих код) Ўзбекистон Республикаси резиденти - юридик ёки жисмоний шахснинг доимий жойлашуви (резидентлик) факти расмий тасдиқланганлиги ҳақида ушбу Регламентга 4-иловада келтирилган намунага мувофиқ Солиқ резидентлигини тасдиқловчи ҳужжатни расмийлаштиради ҳамда ўз ЭРИси билан тасдиқлаб, тегишли давлат хизматлари марказига ёки (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) сўровнома берувчига (ЯИДХП ёки Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайти орқали мурожаат этган тақдирда) электрон тарзда юборади.

Агар солиқ резидентлигини тасдиқловчи ҳужжатда солиқ резидентлиги даври қўрсатилмаган бўлса, бундай ҳужжат берилган (давлат ваколатли органининг интернет-ресурсида жойлаштирилган) календарь йили мобайнида солиқ резидентлигини тасдиқловчи ҳужжат эгаси Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти деб эътироф этилади.

13. Давлат хизматлари маркази солик резидентлигини тасдиқловчи ҳужжат келиб тушганидан сўнг ўн дақиқа мобайнида уни сўровнома берувчининг электрон манзилига юборади ва сўровнома берувчини бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қиласди. Сўровнома берувчи томонидан ўзи келиб мурожаат қилинган тақдирда, унинг сўровига кўра, давлат хизматлари маркази сўровнома берувчининг солик резидентлигини тасдиқловчи ҳужжатни электрон ёки қофоз шаклда тақдим этиши мумкин.

14. Агар Ўзбекистон Республикаси солик резидентининг мақоми аризани кўриб чиқиши натижасида тасдиқланмаган бўлса, сўровнома берувчи бу ҳақида хабардор қилинади.

15. Солик резидентлигини тасдиқловчи ҳужжат берилган солик тўловчилар тўғрисидаги маълумотлар ушбу Регламентга 5-иловада келтирилган намунага мувофиқ Солик резидентлигини тасдиқловчи ҳужжат берилган солик тўловчилар реестрида шакллантириб борилади.

#### **4-боб. Якунловчи қоидалар**

16. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўз фаолиятини амалга ошириши жараёнида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

17. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказлари ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти юзасидан доимий назорат ва мониторингни амалга оширади.

18. Давлат хизматлари кўрсатувчи ҳамда ваколатли орган ходимлари ва мансабдор шахслари ҳатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ташки иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи  
Ўзбекистон Республикаси резидентлари – юридик  
ва жисмоний шахсларнинг доимий жойлашуви  
(резидентлик) фактини расмий тасдиқлаб бериш  
бўйича давлат хизматини кўрсатиш  
маъмурий регламентига  
1-илова

**Ташки иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси  
резидентлари – юридик ва жисмоний шахсларнинг доимий жойлашуви (резидентлик)  
фактини расмий тасдиқлаб бериш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-bosqich	Ўзбекистон Республикаси резидентлари – юридик ва жисмоний шахслар	<p>ЯИДХП ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг расмий веб-сайти орқали сўровномани тўлдириб электрон тарзда юборади.</p> <p>Давлат хизматлари марказларига ёки Давлат солик қўмитаси хузуриданаги “Солик-сервис” давлат унитар корхонасига ташриф буюрган ҳолда сўровномани топширади.</p>	Мурожаат қилинган вақтда
2-bosqich	1. Давлат хизматлари маркази 2. Ягона интерактив хизматлари портали	Сўровнома шаклини тўлдириб “Солик-сервис” давлат унитар корхонасига юборади.	1. Сўровнома шакли тўлдирилгандан сўнг 10 дақиқа ичida 2. Реал вақт режимида
3-bosqich	“Солик-сервис” давлат унитар корхонаси	QR-кодли (метрик штрих - кодли) Солик резидентлигини тасдиқловчи хужжатни расмийлаштиради. Тегишли давлат хизматлари маркази (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки сўровнома берувчи (ЯИДХП ёки Давлат солик қўмитасининг расмий веб-сайти орқали мурожаат этилган тақдирда) электрон тарзда юборади.	Уч иш кунида

4-босқич	Давлат хизматлари маркази	<p>Солиқ резидентлигини тасдиқловчи ҳужжатни сўровнома берувчининг электрон манзилига юборади ва сўровнома берувчини бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қиласди.</p> <p>Ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда унинг сўровига кўра солик резидентлигини тасдиқловчи ҳужжатни электрон ёки қофозли ҳужжат шаклида тақдим этади.</p>	Ўн дақиқа ичида	Сўровнома берувчининг сўровига кўра
----------	---------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----------------	-------------------------------------

Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи  
Ўзбекистон Республикаси резидентлари – юридик  
ва жисмоний шахсларнинг доимий жойлашуви  
(резидентлик) фактини расмий тасдиқлаб бериш  
бўйича давлат хизматини кўрсатиш  
маъмурий регламентига  
2-илова

### Юридик шахснинг маълумотлари

Юридик шахснинг тўлиқ номи\*:

Юридик манзили\*:

Асосий фаолият тури (ИФУТ)\*:

Давлат рўйхатидан ўтказиш гувоҳномаси\* рақами

санаси

Телефон\*:

E-mail\*:

### Резидентлик сертификатини олишдан мақсади

Кўрсатиладиган хизматлар (қилинадиган ишлар) номланиши\*:

Олиш учун дивиденdlар\*:

валюта кодини танланг

Олиш учун фоиз\*:

валюта кодини танланг

Бошқа мақсадлар:

### Бошқа маълумотлар

Шартнома рақами ва санаси\*:

Ваколатли банкда рўйхатдан ўтиш бўйича шартноманинг ИДН рақами\*:

Қайси хорижий солиқ тўловчидан даромадни олиш режалаштирилмоқда (номи)\*:

Доимий турган жойини тасдиқлаш зарур бўлган даври (календарь йили)\*: йил  
танланади

Қайси хорижий давлат солиқ органига тасдиқнома тақдим этилади (номи)\*:  
хорижий давлат танланади

Қайси халқаро шартнома асосида резидентлик сертификати бериляпти (номи)\*:

Резидентлик сертификати асл нусхасини юбориш учун манзилини киритинг\*:

пошта индекси

манзил

### Ушбу сўровномадаги маълумотларни тўлиқ ва ҳақиқийлигини тасдиқлайман

#### Раҳбар

Фамилияси\*

жиншир\*

Исми\*

Отасининг  
исми\*

**Бош ҳисобчи**

Фамилияси\*  жиншир\*   
Исми\*   
Отасининг исми\*

**Жўнатиш** Тугмаси босилиб сўровнома солик органига юборилади

\* Тўлдирилиши шарт бўлган қаторлар.

Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи  
Ўзбекистон Республикаси резидентлари – юридик  
ва жисмоний шахсларнинг доимий жойлашуви  
(резидентлик) фактини расмий тасдиқлаб бериш  
бўйича давлат хизматини кўрсатиш  
маъмурий регламентига  
3-илова

### Шахсий маълумотлар

Фамилия\*:  Паспорт Серия\*:  Рақами\*

Қачон берилган\*:

Ким томонидан берилган\*:

Исми\*:

Шарифи\*:  Доимий манзилингиз\*:

Телефон\*:  E-mail\*:

Уй, хонадон, кўча\*:

#### Резидентлик сертификатини олишдан мақсади

Кўрсатиладиган хизматлар (қилинадиган ишлар) номланиши\*:

Олиш учун дивидендлар\*:  валюта кодини танланг

Олиш учун фоиз\*:  валюта кодини танланг

Бошқа мақсадлар:

#### Бошқа маълумотлар

Шартнома рақами ва санаси\*:

Ваколатли банкда рўйхатдан ўтиш бўйича шартноманинг ИДН рақами:

Қайси хорижий солиқ тўловчиidan даромадни олиш режалаштирилмоқда (номи)\*:

Доимий турган жойини тасдиқлаш зарур бўлган даври (календарь йили)\*:  йил  
танланади

Қайси хорижий давлат солиқ органига тасдиқнома тақдим этилади (номи)\*:  
хорижий давлат танланади

Қайси халкаро шартнома асосида резидентлик сертификати бериляпти (номи)\*:

Резидентлик сертификати асл нусхасини юбориш учун манзилини киритинг\*:  
пошлина индекси  манзил

**Жўнатиш** Тугмаси босилиб сўровнома солиқ органига юборилади

\*) Тўлдирилиши шарт бўлган қаторлар.



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
DAVLAT SOLIQ QO'MITASI**

100011, Toshkent shahri, A.Qodiriy ko'chasi, 13 А  
Тел.: (71) 244-97-16, Faks: (71) 244-89-12

Ташки иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи  
Ўзбекистон Республикаси резидентлари – юридик  
ва жисмоний шахсларнинг доимий жойлашуви  
(резидентлик) фактини расмий тасдиқлаб бериш  
бўйича давлат хизматини кўрсатиш  
маъмурий регламентига  
4-илова

20\_\_ йил “\_\_”

№ \_\_\_\_\_

**Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентлигини тасдиқловчи хужжат**  
**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси**

СТИР: \_\_\_\_\_, манзил: \_\_\_\_\_,  
Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва \_\_\_\_\_  
ўртасида \_\_\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_ да имзоланган даромаддан ва мулкдан олинадиган  
солиқларнинг икки ёқлами қўлланишининг олдини олиш тўғрисидаги Битим қоидаларига  
асосан, ҳақиқатдан ҳам 20\_\_ йилда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга  
бўлган шахс (солиқ резиденти) эканлигини тасдиқлади.

Гувоҳнома \_\_\_\_\_  
(мамлакат номи)  
ваколатли органига тақдим этиш учун берилди.

**Tax Residency Certificate**

The State Tax Committee of the Republic of Uzbekistan hereby certifies that \_\_\_\_\_,  
TIN \_\_\_\_\_, address \_\_\_\_\_, was/is deemed a tax resident of the Republic  
of Uzbekistan in the year \_\_\_\_\_ for the purposes of the

(name of the Agreement)

This certificate has been issued for submission to the competent authority of

(name of the country)

**Документ, подтверждающий налоговое резидентство Республики Узбекистан**

Государственный налоговый комитет Республики Узбекистан настоящим  
подтверждает, что \_\_\_\_\_ ИНН: \_\_\_\_\_,  
адрес: \_\_\_\_\_,  
действительно рассматривается в 20\_\_ году как лицо с постоянным местопребыванием  
(налоговый резидент) в Республике Узбекистан, для целей применения норм Соглашения  
между Правительством Республики Узбекистан и \_\_\_\_\_  
об избежании двойного налогообложения доходов и имущества  
от “\_\_” \_\_\_\_\_ 20\_\_ года.

Сертификат выдан для представления в компетентный орган:

(название страны).



QR код

Исполнитель: \_\_\_\_\_

Тел: \_\_\_\_\_

Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи  
Ўзбекистон Республикаси резидентлари – юридик  
ва жисмоний шахсларнинг доимий жойлашуви  
(резидентлик) фактини расмий тасдиқлаб бериш  
бўйича давлат хизматини кўрсатиш  
маъмурий регламентига  
5-илова

**Солик резидентлигини тасдиқловчи хужжат берилган солик тўловчилар  
реестри**

№	Солик резиденти мақомини олган юридик (жисмоний) шахс	СТИР	(Юридик) Манзил	Солик резидентлигини тасдиқловчи хужжат (олинган сана, ой, йил)	Солик резидентлигини тасдиқловчи хужжат рақами	Солик резидентлигини тасдиқловчи хужжат олинганлигини тасдиқловчи белги

---

(Ваколатли орган  
раҳбарининг лавозими,  
раҳбар Ф.И.О.)

---

(имзо)

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “2” апрелдаги 150-сон қарорига  
б-илова

**Солиқ тўловчиларга шахсий ҳисобвараклардан кўчирмаларни  
ва солиштирма далолатномани тақдим этиш бўйича  
давлат хизматларини кўрсатиш  
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Регламент Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг (кейинги ўринларда – Давлат солиқ қўмитаси) расмий веб-сайтига жойлаштирилган ахборот ресурсида солиқ тўловчиларнинг шахсий кабинети орқали, уларнинг солиқ мажбуриятлари ҳисобини тегишли шахсий ҳисобваракларда юритаётган (юритган) давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларга шахсий ҳисобвараклардан кўчирмаларни ва солиштирма далолатномани тақдим этиш бўйича давлат хизматларини (кейинги ўринларда – давлат хизматлари) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу давлат хизматлари Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали давлат солиқ хизмати органлари томонидан унинг солиқ мажбуриятлари ҳисоби юритилаётган (юритган) тегишли шахсий ҳисобвараклардаги маълумотлар асосида онлайн тарзда (масофадан туриб) 24/7 режимида амалга оширилади.

3. Ушбу Регламентда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**солиқ тўловчининг шахсий ҳисобвараги** (кейинги ўринларда – ШХ)

– Давлат солиқ қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган тегишли дастурий маҳсулот орқали солиқ тўловчининг солиқлар ва йигимлар турлари бўйича муайян маъмурий-ҳудудий бирликка нисбатан мавжуд солиқ мажбуриятларини бажарилиши юзасидан ҳисобланган ҳамда тўланган солиқлар ва йигимлар суммаларини, шунингдек пенялар ва жарималарни акс эттирган ҳолда бюджет тизимиға тушумлар ҳисобини электрон шаклда юритадиган ҳужжат;

**солишиurma далолатнома** – солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятлари бажарилиши юзасидан, солиқ тўловчининг маълумотлари (бухгалтерия ҳисоби маълумотлари) билан солиқ мажбуриятлари ҳисобини ШХларда юритаётган (юритган) тегишли давлат солиқ хизмати органлари маълумотларини икки томонлама солишириш орқали қофоз ёки электрон шаклда тузилган, имзо ва муҳр (агар мавжуд бўлса) ёхуд электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳужжат;

**давлат солиқ хизмати органлари – ДСҚ, Йирик солиқ тўловчилар бўйича худудлараро давлат солиқ инспекцияси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, шунингдек туманлар (шаҳарлар) давлат солиқ инспекциялари.**

## **2-боб. Давлат хизматлари кўрсатилишининг мақсад ва вазифалари**

**4. Давлат хизматлари қуидаги мақсадда кўрсатилади:**

солиқ органининг ёки солиқ тўловчининг таклифига кўра солиқ мажбуриятларини бажарилиши юзасидан солиқлар ва йигимлар, пенялар ва ҳамда жарималар бўйича ҳисоб-китобларни биргаликда ўзаро солиштириш ўтказилиши учун солиқ тўловчиларга шахсий ҳисобварақлардан кўчирмаларни ва солиштирма далолатномани тақдим этиш орқали ШҲда ҳисоби юритилаётган (юритилган) солиқлар ва йигимлар бўйича тўлов муддатлари, ҳисобланган, камайтиришга ҳисобланган ва тўланган (ундирилган) солиқлар ва йигимлар ҳамда пеняларга (жарималарга) доир маълумотлардан фойдаланган ҳолда солиқ мажбуриятларининг тўғри ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг талабларига мувофиқ солиқ тўловчининг талабига биноан солиқларни тўлаш бўйича солиқ мажбуриятининг бажарилиши юзасидан солиштирма далолатнома тузилишини таъминлаш.

**5. Давлат хизматларини кўрсатиш доирасида солиқ тўловчиларга ўз ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш орқали қуидаги вазифаларни бажариш назарда тутилган:**

солиқ тўловчи ўз солиқ мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан солиқ органларида мавжуд бўлган маълумотларни бепул олиш;

солиқлар ва йигимлар, пенялар ва жарималарнинг ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган суммаларини ўз вақтида ҳисобга ўтказиш ёки қайтариш юзасидан ўзаро солиштириш ўтказилиши;

Солиқ кодексда белгиланган тартибда ва шартларда солиқларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш бўйича солиқ мажбуриятлари бажарилиши юзасидан маълумот олиниши;

солиқ солиш обьектларини ҳисобга қўйишда, солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашда ўзлари йўл қўйган хатоларни мустақил равищда тузатиш учун ШҲдаги маълумотларни кўриш ва электрон кўчирма олиш имкониятини таъминлаш.

Бунда, Солиқ кодексининг талабларига мувофиқ даъво муддатлари даврини ҳисобга олган ҳолда тузатиш киритиш мумкин.

### **3-боб. Давлат хизматларидан фойдаланиш тартиби**

6. Солик тўловчиларга шахсий ҳисобвақлардан кўчирмалар ва солиширма далолатнома ушбу Регламентга иловада келтирилган схемага мувофиқ тақдим этилади.

7. Давлат солик қўмитасининг расмий веб-сайтида солик тўловчининг шахсий кабинетига кириш ягона идентификациялаш тизими орқали электрон рақамли имзо воситасида амалга оширилади.

8. Мазкур Регламентда назарда тутилган давлат хизматларидан фойдаланиш қўйидаги ишчи ойналари орқали амалга оширилади:

солик тўловчи юридик шахс – “Юридик шахслар учун” блокидаги “Юридик шахсларларнинг солиширма далолатномалари” давлат хизматлари ишчи ойнасига;

солик тўловчи жисмоний шахс – “Жисмоний шахслар учун” блокидаги “Жисмоний шахсларларнинг солиширма далолатномалари” давлат хизматлари ишчи ойнасига;

солик тўловчи якка тартибдаги тадбиркор – “Якка тартибдаги тадбиркорлар учун” блокидаги “Якка тартибдаги тадбиркорларларнинг солиширма далолатномалари” давлат хизматлари ишчи ойнасига ўтилади.

Ушбу давлат хизматларининг ишчи ойнасига электрон рақамли имзо калити орқали биринчи бор ўтишда (шахсий кабинетга киришда фойдаланилаётган қурилмага нисбатан) калитни танлаб, парол терилади ҳамда ойнада акс этиб турган спамдан ҳимоя қилиш коди киритилиб, “Кириш” тугмаси босилади.

9. Мазкур давлат хизматининг тегишли ишчи ойнасига ўтилгандан сўнг:

“шахсий ҳисобварак” ишчи ойнасига ўтилиб, солик тўловчининг ихтиёрига кўра, жойлашган жойи (солик мажбуриятига нисбатан), йили, солик коди, ўлчов бирлиги танланади ҳамда “Янгилаш” ва “Кўрсатиш” тугмалари босилади;

бир вақтнинг ўзида экраннинг пастки қисмида реал вақт ҳолати бўйича танланган шахсий ҳисобвақлардаги маълумотлар шаклланади, унда йил бошидан ҳисобланган, тўланган солик суммалари, солик қарзи, ортиқча тўлов, пенялар ва солик мажбуриятлари бажарилиши юзасидан бошқа маълумотлар кунма-кун бажарилган амаллар кесимида акс эттирилади. Мавжуд шахсий ҳисобвақлардан танланган йил бўйича кўчирмаларни “Excel юклаб олиш” тугмасини босиш орқали ўз қурилмасига юклаб олиш мумкин.

Бунда, агар солиқлар ва йигимлар бўйича шахсий ҳисобвақларлар кўчирмалардаги маълумотлар билан солик тўловчининг бухгалтерия маълумотлари (жисмоний шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор маълумотлари) ўртасида фарқ аниқланса, тегишлилиги бўйича солик маъмурчилиги

юритилаётган давлат солиқ хизмати органлари билан боғланган ҳолда мавжуд маълумотларга асосланиб аниқлик киритилади. Акс ҳолда хатолик билан шаклланган шахсий ҳисобварақ кўчирмаси ҳисобга олинади;

“солиштирма далолатнома” ишчи ойнасига ўтилгандан сўнг, солиқ тўловчининг ихтиёрига кўра, жойлашуви (солиқ мажбуриятига нисбатан), йили, ўлчов бирлиги, сана (қайси санага солиштириш ўтказилаётганлигига нисбатан) танланиб, “Янгилаш” ва “Кўрсатиш” тутгалари босилади ва экраннинг пастки қисмида танланган сўров натижаси бўйича реал вақт ҳолатида солиштириш учун маълумот шаклланади.

Бунда, йил бошидан то сўралган (танланган) санагача бўлган давр мобайнида ҳисобланган, тўланган солиқ суммалари, солиқ қарзи, ортиқча тўлов, пенялар ва солиқ мажбуриятлари бажарилиши юзасидан бошқа маълумотлар ўзаро солиштириш учун акс эттирилади. Мавжуд шахсий ҳисобварақлардаги маълумотлар асосида солиқ турлари кесимида (танланган жойга нисбатан) шаклланган солиштирма далолатномани танланган сана ҳолати бўйича “Excel юклаб олиш” тутмасини босиш шакллантириш орқали ўз қурилмасига иккинчи томон бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солиштириш учун юклаб олиш мумкин.

Солиқ тўловчининг бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан ўзаро солиштирилган солиштирма далолатнома маълумотларида фарқ аниқланмаса солиштирма далолатнома тузилган ҳисобланиб, белгиланган тартибда ундан фойдаланиш мумкин.

Фарқ аниқлаган ҳолларда эса тегишлилиги бўйича солиқ маъмурчилиги юритилаётган давлат солиқ хизмати органлари билан боғланган ҳолда мавжуд маълумотларга асосланиб аниқлик киритилади. Акс ҳолда хатолик билан шаклланган солиштирма далолатнома (бир томонлама) ҳисобга олинади.

10. Солиқ тўловчи шахсий кабинет орқали онлайн тарзда (масофадан туриб) 24/7 режимида кўрсатилаётган ушбу давлат хизматларидан исталган вақтда фойдаланган ҳолда солиқ тўловчи сифатида мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажарилаётганлиги устидан назорат қилиб бориш имкониятидан фойдаланиши мумкин.

#### **4-боб. Якунловчи қоидалар**

11. Тегишли давлат солиқ хизмати органлари ва солиқ тўловчилар ўз фаолиятларини амалга ошириш жараёнида олинган маълумотларнинг белгиланган тартибда сир сақланишини таъминлайди.

12. Мазкур давлат хизматларини кўрсатувчи давлат солиқ хизмати органлари ёки ходимларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиш мумкин.

Солиқ тўловчиларга шахсий  
хисобвақлардан кўчирмаларни  
ва солиштирма далолатномани бериш  
бўйича давлат хизматларини кўрсатиш  
маъмурий регламентига  
илова

**Солиқ тўловчиларга шахсий хисобвақлардан кўчирмаларни  
ва солиштирма далолатномани бериш  
бўйича давлат хизматларини кўрсатиш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Солиқ тўловчи	Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида ягона идентификациялаш тизими орқали электрон ракамли имзо воситасида солиқ тўловчининг шахсий кабинетига киради.	Мурожаат қилинганда
2-босқич	Солиқ тўловчи юридик шахс  Солиқ тўловчи жисмоний шахс  Якка тартибдаги тадбиркор	“Юридик шахслар учун” блокидаги “Юридик шахсларнинг солиштирма далолатномалари” давлат хизматлари ишчи ойнасига ўтади  “Жисмоний шахслар учун” блокидаги “Жисмоний шахсларларнинг солиштирма далолатномалари” давлат хизматлари ишчи ойнасига ўтади.  “Якка тартибдаги тадбиркорлар учун” блокидаги “Якка тартибдаги тадбиркорларларнинг солиштирма далолатномалари” давлат хизматлари ишчи ойнасига ўтади	Реал вақт режимида
3-босқич	Солиқ тўловчи	1. Тегишли маълумотларни танлайди. 2. “Янгилаш” ва “Кўрсатиш” тугмаларини босади. 3. Маълумотлар автоматик тарзда шаклланади.	Реал вақт режимида

